

Замонасининг машхур ҳофизи Иззатуллоҳ қори



14:30 / 29.04.2022 1924

Машхур ҳофизи Қуръон Иззатуллоҳ мулла Ортиқ қори ўғли тахминан 19 асрнинг иккинчи ярмида Наманган шаҳри, Сардоба даҳаси, Чор гўристон мавзеси (ҳозирги Нодира кўчаси)да зиёли оилада дунёга келди. Отаси мулла Ортиқ (ваф.1901) қори замонасининг машхур мулласи ва ҳофизи Қуръони бўлган.

Тадқиқотларга кўра, Мулла Ортиқ қори асли Сурхондарё томонлардан Наманганга келиб, ўрнашиб қолган илми, зиёли ва ўзига тўқ бой киши бўлган. Тахминан 1860 йилдан 1900 йилгача 40 йил мобайнида «Махдум эшон» масжидида бош имом-хатиб бўлиб фаолият кўрсатган экан. Ортиқ қорининг уч нафар аёлларидан 8 нафар ўғил, 2 нафар қиз фарзандлари бўлган.

Фарзандлари Абдуқайюм махдум, Иззатуллоҳ қори, Раҳматуллоҳ қори, Бойхон махдум, Қутбиддин махдум, Садриддин махдум, Неъматуллоҳ махдум ва Сайдуллоҳ қорилар.

Ортиқ қорининг ҳамма фарзандлари халқ орасида аҳли илм ва аҳли Қуръон бўлиб танилган.

Юқоридаги фарзандлари ичида Иззатуллоҳ болалигидан ўткир зеҳли, теран заковати, зуҳд ва тақвоси билан акаларидан ажралиб турган. У болалигидан Қуръони Каримга муҳаббат қўйди. Шу боисдан бўлса керак, ота-онаси уни ёшлик чоғидан қорихон дея эркалаб чақирар экан.

Мулла Ортиқ қори ўғли Иззатуллоҳ қоридаги илмга бўлган рағбатни пайқаб, унинг илми таҳсилани назоратга олади. Натижада Иззатуллоҳ қори ёшлик давридаёқ отасининг қўлида арабий-туркий саводини чиқаради ва Қуръони Каримдан илк сабоқни ола бошлайди. Қисқа вақт ичида Иззатуллоҳ қори Қуръонни тўла хатм қилиб, ёд олади ва кўзга кўринган ҳофиз Каломуллоҳ бўлиб етишади.

Иззатуллоҳ қорининг Уйчи туманида отасидан мерос бўлиб қолган катта ер ва боғлари бўлган. Қори домла куни билан ана шу далада ва боғда ишлаб келиб, кечалари чироқ шуъласида Қуръон мутолаа қилар эканлар. Иззатуллоҳ қори домла ҳар куни Қуръони Каримдан маълум бир жузни ўқиб, такрорлаб сўнгра ётишни одат қилган эканлар. Маҳаллаларидаги қўни-қўшни, қариндош-уруғ ва ёру-биродарларига Қуръондан сабоқ берар, Рамазон ойларида эса масжид ва хонадонларда хатми Қуръонга имомликка ўтиб берар эканлар.

Иззатуллоҳ қори Қуръон ва суннатни маҳкам тутган, замонасининг машҳур ҳофиз Каломуллоҳи, етук илм ва фазилат соҳиби бўлганлар.

Ҳазрат Иззатуллоҳ қори домла 1929 йили вафот этган. У киши шаҳарнинг катта қабристони «Мавлавий» мазорига дафн қилинган.

Иззатуллоҳ қорининг оилалари фарзандлари тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтмоқчимиз. Маълумотларга кўра, қори домла умрлари давомида 2 аёл билан оила қурганлар. Улардан 4 нафар фарзанд кўрганлар.

Аввалги аёлларининг исми ва кимнинг қизи бўлганлиги тўғрисида маълумотимиз йўқ. Бироқ, ундан 1 нафар ўғил, 1 нафар қиз фарзанд зурриёдлари борлиги ҳақида хабарлар бор.

Кейинги аёллари Фазилатхон ойим (1890-1975) мулла Абдурахмон қизлари бўлиб, улардан 2 нафар ўғил фарзандлари бор. Улар; Абдулҳамид (1917-1991) ва Абдурашид (1920-1997) лардир.

Абдурашид ҳазрат 2 аёл билан турмуш қурганлар. Аввалги турмуш ўртоқлари Жўрахон ойим бўлиб, улардан Олимжон (1948-2007) исмли 1 нафар ўғил фарзанд кўрганлар. Кейинги турмуш ўртоқлари Раҳимахон

ойим (1936-2015) Абдулхай қизи бўлиб, улардан 5 нафар ўғил, 3 нафар қиз фарзандлари бор.

Фарзандлари Абдулмажид (1955), Абдулҳоди (1959), Абдулбоқи (1965), Расулжон (1969) ва Носиржон (1972) лар.

Ҳозирги кунда Иззатуллоҳ қорининг биз билган набира ва абиралари илм маъририфатли инсонлар бўлиб, ўз соҳасининг етук мутахассиси, моҳир қурувчи муҳандис, йўлсоз бўлиб, юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилиб келмоқдалар.

Аллоҳ ўтганларимизни раҳматига олсин, қолганларимизни Ўзининг йўлида собит қадам қилсин.

Мустақил тадқиқотчи, Акрам Шарипов